БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 225 (18.702). • Пайшанба, 1983 йил 29 сентябрь • Баҳоси 3 тийин.

**КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ**

## МЕҲНАТ РАПОРТИ

Тошкент областининг саноат ходимлари ўн биринчи беш йилликнинг ўзак йили планини муваффақиятли бажариш учун бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва энг муҳим маҳсулотларнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш юзасидан шу йилнинг тўққиз ойи учун белгиланган планни муддатидан аввал, 28 сентябрда бажардилар.

Сентябрь ойининг охиригача эса пландан ташқари 83 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилинади, бу эса қабул қилинган йиллик мажбуриятга белгиланганидан 13 миллион сўмлик кўпдир.

(ЎзТАГ).

# ПАХТАКОРЛАРНИНГ ҚИЗҒИН ДАМЛАРИ

Мамлакат пахтазорларида йиғим-терим авж олиб кетди. Неча ўн минглаб «зангори кема»лар оппоқ пахтазорлар ичра кезиб юрибди. Тайёрлов пунктларида ва заводлар ёнида пахта ғарамлари тобора ўсмоқда. Пахта тозаловчилар тўқимачиларга дастлабки тола туркумларини жўнатмоқдалар.

Терим мавсумининг мароми тобора кучаймоқда. Пахта тераётган, ташиётган ва тайёрлаётган барча кишиларнинг аниқ-пухта баҳамжиҳат ҳаракати терим маромини белгилаб беради. Деҳқонлар дуруст ҳосил етиштирдилар. Амалда ҳамма жойда топшириқни уддалаш ва ўтган йиллардаги қарзни қоплаш имконияти бор. Йиғим-терим конвейерининг қатнашчилари учун пахтани тезлик билан териб олиб, уни қайта ишлаш учун етказиб беришдан, юқори сифатли маҳсулот тайёрлашдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ.

Партия ва ҳукумат белгилаган тадбирлар амалга оширилиши туфайли эндиликда агросаноат комплексидаги шериклар ўртасида ҳамжиҳатлик, аҳиллик ошди. Пировард натижа учун уларнинг масъулияти кучайди. Озарбайжоннинг кўпгина хўжаликлари, Ўзбекистоннинг Бухоро, Хоразм областлари, Туркманистоннинг Серах, Каҳқаҳа районлари ва Тожикистоннинг Панж, Қумсангир районлари пахта тайёрлашни юксак суръатлар билан олиб бормоқдалар. Кўпгина бригадалар ҳозирдаёқ йиллик планни бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Андижон областидаги Тешабой Мирзаев номли совхоздан Н. Акбаров, Наманган областидаги «Коммунизм» совхозидан Н. Эшонов бошчилик қилаётган коллективлар фахрли маррага биринчилардан бўлиб эришдилар.

Аммо пахта конвейерида узилишлар ҳам рўй бериб туради. Бир қанча жойларда терим суръатлари ўтган йилгидан паст. Гап пахта кеч етилганидагина эмас. Мавсумга яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги, терим бошланиши олдидан ғўза қатор ораларини ишлаш кечиктирилганлиги ўз таъсирини ўтказмоқда. Жумладан, теримда Фарғона, Кўлоб областларида сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ердаги механизация воситаларидан кам фойдаланилмоқда. Масалан, Тожикистон хўжаликларида атиги бир неча пуркагич далаларда ишламоқда, ваҳолонки, бундай пуркагичлардан қарийб бир ярим мингтаси мавжуд. Бу ерда тайёрлов пунктларига ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда анча кам пахта етказиб берилди.

Ҳозир кўп нарса механизаторларга, уларнинг сабот-матонатига, техникадан самарали фойдаланиш маҳоратига боғлиқдир. Бу йил комбайнлар билан 5,7 миллион тоннадан кўпроқ пахтани териб олиш мўлжалланмоқда. Ўтган куз фаслининг сабоқларини ҳисобга олиш керак, ўшанда кўпчилик хўжаликларда машина терими топшириқлари бажарилмай қолган эди. Шу боисдан барча мавжуд техника дарҳол ишга солиниши муҳимдир. Қолоқликка йўл қўйилган жойларда пахтани жадал график асосида териб олиш керак. Партия, касаба союз ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш ҳаракатига барча пахтакорларнинг қўшилиши учун ғамхўрлик қилишлари лозим. Бунда ҳам коммунистлар, комсомоллар ўрнак кўрсатишлари лозим. Ҳосилни қисқа муддатларда нобуд қилмай, яхши сифатли қилиб ва энг кам чиқим билан йиғиб-териб олиш — мусобақа шиоридир.

Ҳар бир комбайн экипажи юксак иш унумига эришиши мумкин. Аммо бунга ҳамма ҳам муваффақ бўлаётгани йўқ. Ҳатто қўшни бригадалардаги механизаторларнинг кўрсаткичларида ҳам сезиларли тафовутлар бор. Илғорлар тажрибаси етарлича оммалаштирилмаяпти. Кўпинча техника ҳам панд бериб қўймоқда. Баъзи жойларда машина-механизмлар шошма-шошарлик билан тайёрланган. Туркманистон хўжаликларида ялпи йиғим-терим бошланишигача бир мингтага яқин машина ремонтдан чиқарилмай қолган. Қирғизистонда носоз комбайнлар оз эмас. Госкомсельхозтехниканинг кўпгина корхоналари деҳқонлардан қарздордирлар.

Йиғим-терим қатнашчилари маҳсулотнинг сифати тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқдалар. Шу йилдан бошлаб машинада терилган пахтанинг янги Давлат стандарти ҳамма жойда жорий этилмоқда. У пахтакорлар билан қайта ишловчилар зиммасига юксак пировард натижа учун биргаликда курашиш мажбуриятини юклайди. Масалан Ўш, Сирдарё, Жиззах областларининг хўжаликларида одатда биринчи сорт пахта кам тайёрланаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Бир қанча жойларда тайёр толанинг чиқиши камайиб кетмоқда. Кўпгина қабул пунктларида маҳсулотни бригадалар бўйича қабул қилиш йўлга қўйилмаган. Баъзан сифатли пахта унинг ёмон сақланиши сабабли пастроқ сортларга ўтказиб юборилмоқда. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Енгил саноат министрлиги ана шу етилган проблемаларни сабот билан ҳал этяпти, деб бўлмайди.

Пахтани йиғиб-териб олиш ва қайта ишлаш — ягона, узлуксиз жараёндир. Бундан буён бу жараён батамом агросаноат бирлашмаларининг назорати остида бўлади. Маълумки, шерикларнинг куч-ғайратларини мувофиқлаштириш учун бундай бирлашмалар катта имкониятларга эга. Кўпгина район агросаноат бирлашмалари деҳқонлар билан пахта тозаловчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштирмоқдалар. Бунда янги органлар кенг фаолият майдонига эгадир. Барча қабул пунктлари қуритиш машина-ускуналари билан жиҳозланишига эришиш керак. Тайёрловчилардан пахтанинг сақланиши, уни қайта ишлаш муддатларини қисқартириш, юқори сифатли уруғлик чигит тайёрлаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишларини талаб этиш лозим. Агросаноат бирлашмалари ҳамма жойда ҳам бу масалаларни чуқур таҳлил этяпти деб бўлмайди, улар баъзан қатъиятсизлик кўрсатмоқдалар.

Тармоқнинг иқтисодий кўрсаткичлари партия, қишлоқ хўжалик органларининг, хўжалик раҳбарларининг зўр эътибор беришларини талаб қилади. Пахтадан зарар кўраётган, унинг таннархи юқори, суғориладиган гектар самарадорлиги паст бўлган колхоз ва совхозлар ҳамон учраб туради. Пахтанинг харид нархлари оширилганлиги барқарор ишлаш учун шарт-шароитларни вужудга келтиради. Давлат ёрдамидан наф кўриб, моҳирлик билан фойдаланиш муҳимдир. Коллектив пудрати пахтакорларни ишга омилкорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашнинг ишончли воситаси бўлиб қолди. Хўжалик ҳисобини ўзлаштириб олган бригадалар интизомлилиги билан кучлидир, бундай бригадаларда ҳосилдорлик юқори бўлиб, чиқим ҳам кам. Ҳозир нарядсиз коллективлар пахтазорларда мусобақага бошчилик қилмоқдалар. Илғор метод йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташлаш керак.

Йиғим-теримнинг бориши маҳаллий партия ва совет органларининг доимий назорати остида бўлиши керак. Уларнинг вазифаси пахтакорларнинг, тайёрловчиларнинг куч-ғайратини, ташаббускорлигини ҳосил йиғим-теримини тезроқ туғаллашга, маҳсулот сифатини оширишга қаратишдан иборатдир. Илғорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш зарур. Коммунистлар йиғим-терим ишларининг барча босқичларида уюшқоқсизликнинг, совуққонликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашишлари лозим. Бунда уларга халқ назоратчилари, депутатлик постлари кўпгина ёрдам беришлари мумкин. Пахтазорларда банд бўлган кишиларга маданий-маиший хизматни яхши йўлга қўйиш ҳам худди шундай муҳим ишдир.

Беш йилликнинг учинчи йилига белгиланган юксак марраларга муваффақиятли равишда эришиш — пахтакорларнинг фахрли бурчидир. Бу эса КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга қўшилган катта ҳисса бўлади.

(«ПРАВДА» газетасининг 28 сентябрдаги бош мақоласи).

## МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

* Сурхондарё областидан яна бир рапорт келди: Шўрчи районидаги Киров номли колхоздан Эргаш Тоштемиров бошлиқ бригада пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди. Давлатга 131 тонна «оқ олтин» топширилди, ҳосилдорлик 32 центнерни ташкил этди. Хирмонга 150—170 килограммдан ҳисса қўшаётган Гулбаҳор Бекамова, Ҳосият Ҳақнорова каби чевар теримчилар аъло меҳнат қилишяпти. Механизатор Муроталн Маматов терган пахта 50 тоннага етди. Бригада аҳли СССР Конституцияси кунигача 50 центнерлик мажбуриятни адо этмоқчи.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ Ю. В. АНДРОПОВНИНГ

# БАЁНОТИ

Совет раҳбарлари АҚШнинг ҳозирги маъмурияти халқаро ишларда ўтказиб келаётган йўлга қандай баҳо бераётганликларини совет кишиларига, бошқа халқларга ва давлатларнинг сиёсатини белгилаш учун масъул бўлган барча кишиларга маълум қилишни зарур деб ҳисоблайдилар.

Қисқа қилиб айтганда бу йўл — тинчликка жиддий хавф солаётган милитаристик йўлдир. Бу йўлнинг моҳияти бошқа давлатлар ва халқларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмай Америка Қўшма Штатларига дунёда устун позицияларни таъминлашга уриниб кўришдан иборатдир.

АҚШнинг ҳарбий потенциали мислсиз даражада кўпайтирилаётганлиги, барча турдаги қуроллар — ядро, химиявий, оддий қурол-яроғлар ишлаб чиқаришнинг кенг кўламдаги программалари айни мана шу мақсадларга бўйсундирилган. Улар тўхтовсиз қуролланиш пойгасини эндиликда космосга ҳам ёйишни планлаштирмоқдалар.

Ҳар хил уйдирма баҳоналар билан АҚШ территориясидан минг-минглаб километр олисда Американинг ҳарбий кучлари кўпайтирилмоқда. Қурол кучи ёрдамида бошқа давлатларнинг ишларига тўғридан-тўғри аралашиш учун, Вашингтоннинг ҳукмини рад этаётган ҳар қандай мамлакатга қарши Америка қуролидан фойдаланиш учун плацдармлар вужудга келтирилмоқда. Натижада дунёнинг барча районларида — Европада, Осиёда, Африкада, Яқин Шарқда, Марказий Америкада кескинлик кучайиб кетди.

Вашингтоннинг мана шу барча хатарли режаларини амалга оширишга НАТОдаги бошқа мамлакатлар тобора кўпроқ жалб этилмоқда. Бу ҳам етмагандек япон милитаризмини яна тиклашга ва уни шу блокнинг ҳарбий-сиёсий машинасига тиркашга зўр берилмоқда. Шу тариқа кишиларни ўтмиш сабоқларини унутишга мажбур этишга интилмоқдалар.

Халқлар бирон-бир ҳукуматнинг сиёсатига, аввало, унинг ҳаракатларига қараб баҳо берадилар. Шу боисдан АҚШ президенти БМТ минбарида туриб тинчлик халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва суверенитети ишига содиқлик тўғрисида баландпарвоз гапларни айтганида бундай сафсатабозлик ҳеч кимни ишонтира олмайди.

Америка ҳозирги маъмуриятининг сиёсатида яхшилик сари ўзгариш эҳтимоли бор, деб бирон-бир киши умид қилган бўлса, кейинги вақтдаги воқеалар бу умидларни тамомила чиппакка чиқарди. Америка маъмурияти ўзининг империячилик мақсадларига эришиш йўлида шу қадар ҳаддидан ошиб кетдики, эндиликда ҳар қандай соғлом фикрдаги киши тўхташи лозим бўлган чегарадан ошиб кетмаслик учун умуман Вашингтонда қандайдир бир тўсиқ бор-йўқлигига шубҳаланмай илож йўқ.

АҚШнинг махсус хизмат маҳкамалари Жанубий Корея самолётидан фойдаланиб уюштирган маккорона иғвогарлик ҳам сиёсатда ўта-кетган авантюризм намунасидир. Шу хуружнинг амалий жиҳатини биз муфассал ва ишонтирарли тарзда ёритдик. Уни уюштирган кимсалар ўзларини оқлашга қанчалик уринмасинлар, қанчалик сохта уйдирмаларни олға сурмасинлар уларнинг айби исботланди.

Совет раҳбарлари ана шу мислсиз, жиноий диверсия натижасида одамлар қурбон бўлганлиги муносабати билан таассуф билдирдилар. Ана шу қурбонлар давлатларнинг суверенитети ва чегараларининг дахлсизлиги билан ҳисоблашмаслик ҳуқуқини ўзлаштириб олишни истаётган, шу иғвогарликни уюштириб амалга оширган, худди эртаси куниёқ ақл бовар қилмайдиган ҳарбий харажатларни конгрессда тасдиқлатиб олишга шошилган ва эндиликда мамнун бўлиб, қўлини-қўлига ишқалаётган кимсаларнинг виждонига ҳавола.

Шундай қилиб, самолёт ичида бўлган кишиларнинг ҳалокати учун айбни бошқалар зиммасига юклашга чиранаётган арбобларнинг «инсонпарварлиги» МХ ракеталаридан тортиб асаб фалаж касалига йўлиқтирадиган газ тўлдирилган контейнерларгача яна тоғ-тоғ оммавий қирғин қуролларига айланмоқда.

Улар ўзларининг хатарли, инсон зотига душман сиёсатини бир оз бўлса-да, асослашга интилиб Совет Иттифоқига, ижтимоий тузум сифатида социализмга тоғ-тоғ туҳмат-бўҳтонларни қалаштириб ташламоқдалар, бунга АҚШ президентининг ўзи етакчилик қилмоқда. Шуни тўғридан-тўғри айтиш кераккн, АҚШ каби мамлакатнинг раҳбарлари совет халқини қоралашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйиб, оз бўлмаса чапанича сўкишгача етиб бориб, ахлоқ-одоб, инсонийлик хусусида риёкорона ваъзхонликлар қилаётганлиги хунук бир манзарадир.

Бундай насиҳатгўйлик нима эканлигини дунё яхши билади. Вашингтондаги арбобларнинг тушунчасидаги ахлоқни Вьетнамда напалм ва заҳарли химикатлар ёрдамида уқтиришган эди, Ливанда уни кемалардаги тўпларнинг садолари билан, Сальвадорда эса бу ахлоқни қирғинбарот йўли билан жорий этмоқдалар. Бундай жиноятлар рўйхатини давом эттириш мумкин. Бинобарин биз АҚШ сиёсатининг ахлоқий жиҳати тўғрисида тарихни эслаганда ҳам, бугунги кун тўғрисида гапирганда ҳам айтадиган гапларимиз бор.

Эндиликда Вашингтондагилар ахлоқ билан бирга энг оддий одоб қоидаларини ҳам поймол этиб, давлат арбоблари ва давлатларга нисбатангина эмас, шу билан бирга Бирлашган Миллатлар Ташкилотига нисбатан ҳам ҳурматсизлик қилмоқдалар. Умуман, тинчлик ва хавфсизликни сақлаши лозим бўлган халқаро ташкилот милитаристик васваса ҳаддан ташқари авж олдирилаётган ва шу ташкилотнинг юксак шаъни таҳқирланаётган мамлакатда туриши мумкинми, деган савол туғилади.

Дунё тақдирини ҳал этувчилар ролини даъво қилаётган кимсалар уларга зарба берилмаётган ҳамма жойда антикоммунизм ниқоби остида ўзларига мақбул тартибларни ўрнатишга интилмоқдалар.

Шундай ҳаракатларни асослашга уринаётган концепцияларни катта давлат раҳбарлари тарғиб қилмаганида, сўздагина шунчаки тарғиб қилиб қолмай, балки амалда рўёбга чиқармаганида эди, улар ўз моҳияти билан диққатга сазовор бўлмас эди.

Идеологик зиддиятларнинг давлатлараро муносабатлар соҳасига кўчирилиши ташқи ишларда шундай қилган кимсаларга ҳеч қачон бирон-бир яхшилик келтирган эмас. Ҳозир, ядро асрида эса, бу мутлақо беъмаиликдир ва унга йўл қўйиб бўлмайди. Ғоялар курашининг ҳарбий курашга айлантирилиши бутун инсоният учун ҳаддан ташқари қимматга тушган бўлур эди.

Аммо антикоммунизмдан сўқир бўлиб қолган кимсалар афтидан бу ҳақда ўйлашга қодир эмаслар. Улар «Совет ҳарбий хавфи» бор деган чўчитувчи гапдан ишни бошлаб, эндиликда ижтимоий система сифатида социализмга қарши «салб юриши»ни эълон қилишгача бориб етдилар. Социализмга умуман дунёда ўрин йўқ, деган фикрни кишилар онгига қуйишга интилмоқдалар. Тўғри, гап Вашингтон кўришни истаётган дунё тўғрисида бораётганлигини, яширяптилар.

Лекин истак билан имконият асло бир нарса эмас. Тарихнинг боришини ҳеч ким орқага бура олмайди. СССР, бошқа социалистик мамлакатлар ўз қонунларига — энг илғор социал тузум қонунларига мувофиқ яшаб, ривожланаверадилар.

Совет давлати ўзи яшаб келаётган олтмиш беш йил мобайнида кўпгина синовлардан, шу жумладан, қаттиқ синовлардан ўтди. Мамлакатимизнинг бутунлигига, унинг мустақиллигига, бизнинг тузумимизга тажовуз қилганлар тарих ахлатхонасига тушиб қолди. Биз мамлакатмизнинг хавфсизлигини, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг хавфсизлигини ҳар қандай шароитда ҳам таъминлай олишимизни бу гаплар кимга тааллуқли бўлса уларнинг ҳаммаси англаб етадиган пайт келди.

Совет кишиларининг шунга ишончи комил бўлиши мумкин — мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти шундай даражада турибдики, кучларни синаб кўришни ҳеч кимга маслаҳат бермаган бўлур эдик.

Биз ҳам кучларни синаб кўрмоқчи эмасмиз. Бундай фикрнинг ўзи бизга ётдир. Биз халқимизнинг фаровонлигини, совет давлатининг хавфсизлигини бошқа халқлар, бошқа мамлакатларнинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан ажратмаймиз ҳам, айниқса, бир-бирига қарама-қарши қўймаймиз ҳам. Ядро асрида дунёга тор худбинлик манфаатлари тирқишидан қараб бўлмайди. Масъул давлат арбобларининг йўли битта, у ҳам бўлса ядро фалокатининг олдини олиш учун ҳамма ишни қилишдан иборатдир. Бошқа ҳар қандай позиция узоқни кўрмайдиган, бунинг устига ўзини-ўзи ҳалок қиладиган позициядир.

Ҳозирги қалтис вазиятда ҳам халқаро ишларда қайси йўлдан бориш хусусида Совет раҳбарларида ҳеч қандай савол туғилаётгани йўқ. Бизнинг йўлимиз аввалгидек тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга, кескинликни юмшатишга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, давлатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқининг ўзгармас хоҳиш-иродаси мана шундай. Барча халқларнинг орзу-умидлари ҳам шундай эканлигига аминмиз.

Совет Иттифоқига қутуриб қилинаётган хуружлар бизда ғазабланиш туйғусини уйғотади, албатта, аммо бизнинг асабларимиз мустаҳкам, ўз сиёсатимизни эса ҳис-ҳаяжонларга асосланиб қурмаймиз. Бизнинг сиёсатимизга соғлом ақл-идрок, реализм, тинчлик тақдири учун чуқур масъулият асос қилиб олинган.

Биз инсониятнинг ҳалокатга маҳкум эмаслигига асосланиб иш тутамиз. Қуролланиш пойгасига чек қўйилиши лозим ва мумкин. Инсоният можаролар сабабли парчаланган дунёда ажал қуроли юки остида ҳансираб яшашдан кўра яхшироқ қисматга лойиқдир.

Биз Европадаги ҳам стратегик, ҳам ўртача олисликка учириладиган ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш хусусида олисни кўзловчи таклифларни киритар эканмиз, СССРнинг, социалистик ҳамдўстлик давлатларининг хавфсизлиги ҳақидагина эмас, шу билан бирга бошқа ҳамма мамлакатларнинг хавфсизлиги ҳақида ҳам ғамхўрлик қиламиз.

АҚШнинг сиёсатига келганда, унинг ҳарбийлашуви кучайиб бораётганлиги бирон бир жиддий музокаралар олиб боришни, қуролланиш пойгасини жиловлаш масалалари хусусида бир битимга келишни истамасликда ҳам намоён бўлмоқда.

Икки йилдирки, энг кескин проблема — Европадаги ядро қуролларини қисқартириш юзасидан Совет — Америка музокаралари давом этмоқда. Совет томонининг позицияси ҳалол, одилона асосдаги ўзаро мақбул қарорларга, ҳеч кимнинг қонуний манфаатларига путур етказмайдиган қарорларга келиш йўлини топиш мақсадини кўзлайди. Айни вақтда шу икки йил мобайнида Женева музокараларидаги шерикларимиз асло бир битимга эришиш учун бу ерга келмаганликлари ҳам равшан бўлиб қолди. Уларнинг вазифаси бошқа — вақтни чўзиб, сўнгра Ғарбий Европада анча олисликка учадиган «Першинг-2» баллистик ракеталари ва қанотли ракеталарни жойлаштиришга киришишдан иборат. Буни улар унчалик яшираётганлари ҳам йўқ.

Улар фақат Женевадаги музокараларда АҚШнинг қандайдир эпчиллиги тўғрисидаги мулоҳазалар ниқобига яширинмоқдалар. Куни кеча мана шундай «эпчиллик»нинг навбатдаги бир мисоли ошкор бўлди. Бу гал ҳам бошдан-оёқ ёлғончилик равшан бўлиб қолди. Икир-чикирларни бир ёққа суриб қўйганда, Америка позициясида «жуда зўр» деб кўкларга кўтариб мақталган янги ёндашишнинг моҳияти ўртача олисликка учириладиган совет ракеталаридан қанчасини қисқартиришу, НАТОнинг ихтиёридаги ядро потенциалига қўшимча равишда Американинг янги ракеталарини Европада қанча жойлаштириш тўғрисида аввалгидек бир битимга эришиш ҳақидаги таклифдан иборат бўлиб чиқди.

Қисқаси, бизга Европа зонасида ўртача олисликка учириладиган ядро воситалари соҳасидаги мавжуд мувозанатни НАТО блоки фойдасига ўзгартириш учун шу блокка қандай қилиб ёрдам бериш тўғрисида гап юритишни таклиф қилмоқдалар. Мана шу нарсани, уялмай-нетмай, қандайдир янгилик, деб кўрсатмоқдалар.

Вашингтоннинг назарида Американинг мана шу ядро ракеталарини Европада жойлаштириш операцияси АҚШ учун бениҳоя содда ва ғоят манфаатли бўлиб кўринмоқда, аммо бу Европа ҳисобига олинадиган манфаатдир. АҚШнинг Европадаги иттифоқчилари тутқунлар даражасига тушириб қўйилмоқда. Бу — ошкора бўлса ҳам, аммо сурбетларча сиёсатдир. Аммо ҳақиқатан ҳам тушуниб бўлмайдиган бир нарса бор: ўз халқларининг манфаатларини, тинчлик манфаатларини писанд қилмай, АҚШ маъмуриятининг очкўз милитаристлик режаларини амалга оширишга ёрдам бераётган европалик сиёсий арбоблар шу ҳақда ўйлаб кўряптиларми?

Бу ўринда айтилмай қолмаган гап бўлмаслиги керак. Бордию, Ғарбий Европа мамлакатларининг кўпчилик аҳолиси хоҳиш-иродасига хилоф равишда Американинг ядро ракеталари Европа қитъасида пайдо бўладиган бўлса, бу нарса АҚШ раҳбарлари ва улар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётган НАТОдаги бошқа мамлакатлар арбоблари принципиал миқёсда тинчлик ишига душманлик қадамини қўйган бўладилар.

Биз Америка томонининг стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш проблемасини ҳал этиш билан ҳам чинакамига шуғулланиш истаги борлигини сезмаяпмиз. Ҳозир Америка пойтахтидагилар бошқа иш билан шуғулланмоқдалар: мана шу қуролларнинг ҳам тобора янги-янги системаларини ишлаб чиқариш конвейерига қўймоқдалар. Яқин орада эса бу қуролларнинг умуман стратегик стабиллик тўғрисидаги ҳамда ядро қуролларини самарали равишда чеклаш ва қисқартириш имкониятининг ўзи ҳақидаги тасаввурларни умуман тубдан ўзгартириб юборадиган турлари яратилай, деб турибди.

Совет Иттифоқининг холис ниятини, унинг бир битимга келиш истагини ҳеч ким заифлик белгиси, деб билмаслиги керак. Вужудга келган ҳарбий-стратегик мувозанатни бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишга Совет Иттифоқи муносиб жавоб бера олади ва унинг сўзи билан иши бир-биридан фарқ қилмайди.

Аммо биз оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқариш ва жамғариш соҳасида мусобақалашишнинг принципиал душманларимиз. Бу соҳада мусобақалашиш — бизнинг йўлимиз эмас. Бу нарса инсоният олдида турган давлатларнинг иқтисодий ривожланиши, атроф-муҳитни сақлаб қолиш, одамларнинг энг оддий турмуш шароитларини вужудга келтириш, уларнинг овқатланиши, сиҳат-саломатлиги, таълим олиши сингари проблемалардан бирортасини ҳал этишга олиб бора олмайди.

Қуролланиш пойгасига беҳуда сарфланаётган моддий ресурсларни бўшатиб олиш, инсоннинг битмас-туганмас ижодий имкониятларини қулф урдириш — одамларни бирлаштира оладиган соҳадир, XX ва XXI асрлар маррасида давлатларнинг сиёсатини белгилаб берадиган омил мана шундан иборат. Мана шуларнинг ҳаммаси рўёбга чиқиши учун милитаризм кучларини тўхтатиш, биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, дунёни ҳалокат ёқасига судрашдан сақлаб қолиш керак.

Таҳлика солиб турган хавф-хатарни Ер юзидаги барча халқлар, ҳар бир киши тушуниб олиши лозим. Тушуниб олиб, ўзининг яшаши учун курашдаги куч-ғайратларини бирлаштириши зарур.

Инсоният ақлдан озгани йўқ ва озиши ҳам мумкин эмас. Бу нарса ракетага қарши, урушга қарши Европа қитъасида ва бошқа қитъаларда авж олиб бораётган ҳаракатнинг, турли социал, сиёсий, диний оқимларга мансуб кишилар қатнашаётган шу ҳаракатнинг кенг миқёсида ҳам зўр куч билан намоён бўлмоқда.

Ҳозир телбанамо қуролланиш пойгасига қарши, тинчликни ҳимоя қилиш учун баралла гапираётган кишиларнинг ҳаммаси шунга амин бўлишлари мумкинки, Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик мамлакатларнинг сиёсати айни шу мақсадларга эришишга қаратилган. СССР барча мамлакатлар билан, шу жумладан АҚШ билан тинчликда яшашни хоҳлайди. У агрессив режалар тузаётгани йўқ, ҳеч кимга қуролланиш пойгасини тиқиштираётгани йўқ, ҳеч кимга ўзининг социал тартибларини мажбуран қабул қилдираётгани йўқ.

Бизнинг фикри-зикримиз ва муддаоларимиз халқаро вазиятда яхшилик сари ҳал қилувчи бурилишга эришишга қаратилган аниқ-равшан таклифларда мужассамлашмоқда. Совет Иттифоқи Ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун бундан буён ҳам имкони бўлган ҳамма ишни қилаверади.

## ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

27 сентябрь куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Б. Хнеупек ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатларда Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ракеталарини жойлаштириш режаси муносабати билан Европадаги аҳволга алоҳида эътибор берилди.

Ҳар иккала томон Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш қатнашчилари бўлган давлатлар Мадрид учрашувининг Европада тинчликни мустаҳкамлаш ва кескинликни юмшатиш йўлидан бориш тўғрисидаги қарори муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда қуролсизланиш тадбирларига бағишланиб, келгуси йил бошларида Стокгольмда ўтказиладиган конференция бу соҳада муҳим омил бўлади.

Совет — Чехословакия муносабатларига доир баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

А. А. Громико Б. Хнеупек шарафига зиёфат берди. Зиёфатда улар нутқ сўзладилар.

Шу куни Б. Хнеупек Москвадан ватанига жўнаб кетди.

(ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 28 сентябрда ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Хорст Долус бошчилигидаги Германия Бирлашган социалистик партиясининг делегацияси билан учрашди. Делегация КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

Дўстона суҳбат чоғида делегация аъзолари Ўзбекистон меҳнаткашларининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмалари ва тавсияларини амалга ошириш соҳасида қилаётган катта бунёдкорлик иши билан таништирилди.

Ш. Р. Рашидов республика партия ташкилотининг тузилиши ҳақида, ҳозир ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва уларнинг коммунистлар авангардлик ролини янада ошириш, меҳнаткашлар ўртасидаги оммавий-сиёсий ишни активлаштириш учун бўлган аҳамияти ҳақида гапириб берди. Ташкилий ва идеологик фаолиятни такомиллаштиришда, давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашда партия ташкилотларининг роли таъкидланди. Пахта етиштиришни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, саноат ва қишлоқ хўжалигида янги қувватларни ишга тушириш масалалари коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг диққат марказида турибди.

ГБСП делегациясининг бошлиғи кўрсатилган иззат-икром учун миннатдорчилик билдирди, бунёдкорлик меҳнатида, белгиланган режаларни амалга оширишда Ўзбекистон коммунистларига, барча меҳнаткашларига янгидан янги муваффақиятлар тилади. У ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккернинг шу йил май ойида Совет Иттифоқига қилган визити аҳамиятини, унинг ўртоқ Ю. В. Андропов билан, КПСС ва Совет давлати бошқа раҳбарлари билан учрашувларининг муҳим ролини алоҳида таъкидлади.

Суҳбатда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Н. С. Перун, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Тошкент область партия комитетининг масъул ходимлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

XXVI

*1983 йил ҳосил мавсуми:*

# ТЕРИМ СУРЪАТИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛСИН

**● Ҳосил йиғим-теримининг дастлабки ойи ҳисобланган сентябрь охирлаб қолди. 27 сентябрь куни пахтазорлардан 107.111 тонна, шу жумладан, машиналар билан 35.631 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Шунинг 8.326 тоннасини қимматбаҳо хом ашё — ингичка толали пахта ташкил этади.**

**● Мавсум бошидан бери 1303,5 минг тонна «оқ олтин»**, шу жумладан, 116,5 минг тонна ипак пахта тайёрланди.

### ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

● ФАРҒОНА. Ленинград районидаги Энгельс номли колхознинг республикада хизмат кўрсатган пахтакор Маҳбуба Насриддинова бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Ҳар гектар ердан 39 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олган заршунослар йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. Муҳаммаджон Марасулов ва Исроилжон Ғиёсовлар бош бўлган илғор звеноларда ҳар гектар ердан 40—45 центнердан дурдона йиғиштириб олинди. Пешқадам бригада пахтакорлари илгари қабул қилган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, ҳосилдорликни 65 центнергача етказишга аҳд қилишди.

### МАРРА ЯҚИН

● БУХОРО. Ғиждувон районидаги Садриддин Айний номли колхознинг Раҳмат Қобилов етакчилик қилаётган бригадаси 60 центнерлик маррани эгаллаш арафасида турибди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 47 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди.

Айни кунларда областда 18 та бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

### ҚАҲРАМОННИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

● СУРХОНДАРЁ. Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуғаффор Хўжаназаров бошлиқ бригадаси аъзолари 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36,5 центнердан ингичка толали пахта йиғиштириб, йиллик план бажарилганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Илғор коллектив қимматбаҳо ингичка толали пахта ҳосилдорлигини 50 центнергача етказиш мажбуриятини олди.

## РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Шеробод районидаги кўпмингкилограммчилар мусобақасида «Гулистон» совхозининг моҳир теримчиси Раъно Ҳасанова пешқадамлик қиляпти. Мавсум мобайнида 13 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган чевар қизнинг шу кунгача уйган хирмони 5,2 тоннага етди.

### АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

● ҚҚАССР. Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхозининг Холли Бердимуродов етакчилик қилаётган хўжалик ҳисобидаги механизациялашган бригадаси автоном республикада биринчи бўлиб, социалистик мажбуриятини бажарди. 65 гектар қўриқ ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди. Бригада аъзолари мавсум давомида «зангори кема»ларни моҳирлик билан бошқаришяпти. Бригадир бошчилигидаги Байрам Бобоев, Ашир Акаев, Аллабой Отажонов каби механизаторлар кунига 10—12 тоннадан пахта теришмоқда. Аҳил коллективнинг аҳди ҳосилдорликни 40 центнерга етказишдан иборат.

### БИР КУНДА 21 ТОННА

● ТОШКЕНТ. Область механизаторлари йиғим-теримда пешқадамликни ўз қўлларига олдилар. Мавсумнинг ҳар бир куни янгидан-янги илғорларни юзага чиқармоқда. Кеча Элчибой Худойбердиев ўзи ишлаётган Бўка районидаги Мичурин номли колхоз далаларидан 21 тонна дурдона теришга эришди. Унинг шу кунгача терган пахтаси 105 тоннага етди. Коммунистик районн механизаторлари ичида Свердлов номли колхоздан Любовь Куроедова, «Правда» колхозидан Алексей Тен, Болтабой Мусурмонқулов ва Мамажон Ўроқбоевлар илғорлик қилишяпти. Уларнинг ҳар бири ўз агрегати бункеридан 11 тоннадан «оқ олтин» бўшатишга муваффақ бўлди.

Оққўрғон райони пахтазорларида ишлаётганлар соғлиғини муҳофаза қилиш учун 3 та кўчма амбулатория ташкил этилган. Шифокорлар бевосита далаларда пахтакорларга хизмат кўрсатишмоқда.

### МЕХАНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

● НАМАНГАН. Задарё райони далаларида ўтган куни 132 та терим агрегатлари ишлатилди. «Наманган» совхози механизаторлари энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Бу ерда 17 та «зангори кема»нинг ҳар бири билан кунига 10 тоннадан дурдона йиғиштириб олинмоқда. Ильич номли совхознинг илғор механизатори Абдусалом Қодиров бир кунда ўз агрегати бункеридан 14 тонна дурдона бўшатишга эришди.

## „Оқ олтин" хирмонига

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 28 сентябрга бўлган**

**М А Ъ Л У М О Т**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Бухоро | 1,56 | 42,28 | 0,20 | 1,86 |
| Хоразм | 2,23 | 29,90 | 0,92 | 3,37 |
| ҚҚАССР | 2,21 | 25,40 | 1,37 | 8,29 |
| Навоий | 1,21 | 24,53 | 0,11 | 0,33 |
| Сурхондарё | 1,72 | 24,42 | 1,07 | 7,87 |
| Тошкент | 3,05 | 22,82 | 2,92 | 13,97 |
| Фарғона | 2,15 | 22,23 | 0,02 | 0,08 |
| Самарқанд | 1,22 | 20,71 | 0,24 | 0,74 |
| Қашқадарё | 1,52 | 20,36 | 0,77 | 3,57 |
| Андижон | 1,69 | 19,42 | 0,20 | 0,42 |
| Наманган | 1,67 | 16,27 | 0,46 | 1,41 |
| Сирдарё | 1,40 | 9,30 | 1,15 | 2,86 |
| Жиззах | 1,82 | 7,64 | 1,98 | 6,83 |
| Республика бўйича: | 1,81 | 21,98 | 0,90 | 4,12 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта | | | | |
| Бухоро | 1,23 | 34,97 | — | — |
| Навоий | 1,57 | 32,74 | — | — |
| Сурхондарё | 2,38 | 31,57 | 1,76 | 11,54 |
| Наманган | 1,78 | 21,94 | — | — |
| Қашқадарё | 1,59 | 20,85 | 0,41 | 1,34 |
| Республика бўйича: | 2,03 | 28,42 | 1.15 | 7,11 |



Пахта теримида иш унумини дақиқалар сайин ошира бориш катта муваффақиятга эришувнинг гаровидир. Кўпмингкилограммчилик ҳаракатининг кучайтирилиши ҳам улкан «оқ олтин» хирмонини бунёдга келтиришда катта роль ўйнайди. Сиз суратда кўриб турган чевар теримчилар Москва районидаги «Октябрь» колхозининг аъзоларидир. Мавсумда 14-15 тоннадан дурдона териш мажбуриятини олган бу қизлар (чапдан ўнгга) О. Мелибоева, Б. Арабобоева, Ҳ. Исомиддинова, З. Каримова, М. Раҳмоновалар ҳар куни хирмонга 230-250 килограммдан пахта топширмоқдалар. Уларнинг олтин қўллари билан терилган пахта аъло сортга қабул қилинмоқда. Биз барча теримчиларимиз ана шу терим шунқорларидан намуна олишларини истардик.

Ж. Тўраев фотоси.

# ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

**Республикамизда пахта йиғим-терими жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Кўплаб звенолар, бригадалар йиллик пахта тайёрлаш планларини бажариб, эндиликда социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширишмоқда.**

**Лекин вазият йиғим-теримни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Нега деганда, кўсаклар ёппасига очилди. Барг тўктирилди. Демак, қўл теримини ҳам, машина теримини ҳам авж олдириш керак. Ҳозир теримда икки хил кўриниш юз бераётирки, илғорликни кенг оммалаштириб, қолоқликка барҳам бериш керак.**

## ШАХДАМ ОДИМЛАР

Гурлан районининг меҳнаткашлари ҳосилдорликни 44 центнерга кўтариб, она-Ватанга 37.000 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар. Ялпи ҳосилнинг 24.000 тоннаси машиналарда терилади. Район йиллик пахта тайёрлаш планини қарийб 40 процент бажарди. Кўп, юқори сортли пахта топширилишини таъминлаб, республика партия ва ҳукуматининг кўчма Қизил байроғини олди.

— Шу кунларда пахта теримида 8000 колхозчи, ишчи-хизматчи қатнашмоқда,— дейди район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Жабборов, — ҳар бир теримчи кунига ўртача 80 килограммдан, ёрдамчилар эса 55-60 килограммдан пахта теряпти. Машиналарни ишга тушириш билан районимизнинг бугунги 2,5-2,6 процентлик кўрсаткичини 5-6 процентга кўтарамиз.

«Коммунизм» колхози меҳнат аҳли ярим довондан ошди. «Коммуна» колхозида суръат кун сайин кўтарилмоқда. Шу колхознинг Тўлғоной Маткаримова бошлиқ бригадаси Хоразм областида биринчи бўлиб йиллик маррани эгаллади. Киров номли, Ленин номли колхозларнинг пахтакорлари шахдам қадамлар билан марра сари интилаётирлар.

Район партия комитети йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, теримда суръатни кескин кўтариш, меҳнаткашлар орасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ва идеология ишларини янада кучайтиришга қаратилган чораларни кўраётир.

## АЧИНАРЛИ АҲВОЛ

Янгибозор райони Гурлан райони билан ёнма-ён жойлашган. Янгибозорликлар ҳам бу йил 37.000 тонна пахта тайёрлайдилар. Ҳосилнинг 24.000 тоннасини «зангори кема»ларда терадилар. Кўриниб турибдики, ҳар икки районнинг кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилмайди.

Лекин фарқ қиладиган томонлари ҳам йўқ эмас. Янгибозорликлар пахта тайёрлаш ва давлатга сотишда гурланликлардан 10 процентдан кўпроқ орқада қолаётирлар. Район партия ва совет ташкилотлари теримда қўшни районга тенглашиш ва ундан ўзиб кетиш чораларини кўришмаётир. Тўғри, район бўйича теримга 12 мингдан кўпроқ киши сафарбар этилди. Бу кўзда тутилганидан анча кўп. Лекин меҳнат унумдорлиги паст бўлаётир. Ҳар бир теримчи ҳисобига 43 килограммдан пахта тўғри келяпти, холос. Оқибатда район бўйича кунига планнинг икки проценти миқдорида ҳам пахта тайёрланаётгани йўқ.

Район раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, «Партия XXI съезди», «Ленинизм» колхозларини тилга олиб, бу хўжаликларда кунига 2 процентдан пахта жўнатилаётганини айтишади. **К. Эркаев** раислик қилаётган «Ленинград» колхози ҳақида гап борганда лом-мим дейишмайди. Боиси, колхоз кунлик ўсишда ҳам, мавсум бошидан буён тайёрланган пахта жиҳатдан ҳам ҳатто районнинг ўртача кўрсаткичидан орқада қолаётир. **З. Тожинов** раислик қилаётган Куйбишев номли, **А. Ўрозов** раҳбар бўлган Ҳамза номли колхозларда ҳам шундай ачинарли аҳвол юз бермоқда.

Район хўжаликларида 164 та машина бор. Ғўзаларнинг барги тўктирилишига қарамай, шундан эндигина 46 таси ишга туширилганини қандай баҳолаш керак?

Гурлан районида пахта териш ва давлатга сотишда қувончли аҳвол юз бераётган бир кезда қўшни Янгибозор районида ташвишли вазият содир бўлаётир. Гурланликлар эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлашлари, янгибозорликлар уларга тенглашмоқ ва ўзиб кетмоқ учун йиғим-теримда кескин ўзгариш ясамоқлари зарур!

# ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

## БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида

НЬЮ-ЙОРК. БМТ Бош Ассамблеясининг 38 сессиясида умумсиёсий мунозара бошланди. Мунозаралар давомида 150 га яқин давлатнинг расмий вакиллари сўзга чиқишади. Сессиядаги дастлабки нутқлар жаҳонда ядровий қуролланиш пойгасини жиловлашдан, сиёсий иқлимни соғломлаштириш ва регионлардаги можароларни бартараф этишнинг конкрет тадбирларини кўришдан муҳимроқ ва кескинроқ проблема йўқлигини кўрсатди. АҚШ ва бошқа етакчи империалистик давлатларнинг ўз манфаатларини кўзлаган йўли сабабли Ғарбда чуқурлашиб бораётган кескин иқтисодий танглик чуқур ташвиш туғдирмоқда.

Бразилия ташқи ишлар министри Р. Сарайва Геррейру биринчи мажлисда сўзга чиқиб, халқаро кескинликнинг кучаётганлигидан ташвиш изҳор қилди. Қуролланиш пойгаси авж олмоқда. Бу шу йилнинг ўзидаёқ қарийб 800 миллиард доллар маблағни домига тортади. Вазият жиддий эканлигига қарамай, деб таъкидлади нотиқ, барча давлатларга салбий сиёсий ва иқтисодий таъсир кўрсатаётган ғоят хатарли кескинликни камайтириш йўлида жуда оз иш қилинди. Бразилия министри капиталистик дунёнинг экономикаси ва савдо ишлари ҳозир чуқур инқирозга юз тутганлигини, бу эса ривожланаётган мамлакатларга айниқса оғир зарба бўлиб тушганлигини уқтириб ўтди.

Аргентина ташқи ишлар министри Х. Агирре Ланари ҳам Англиянинг янги мустамлакачилик ҳаракатларини танқид қилиб чиқди. У Лондон билан НАТОнинг Жанубий Атлантикани «ўзининг стратегик манфаатлари» доирасига қўшишдан иборат хатарли режаларини кўрсатиб ўтди. Аргентина шунга аминдирки, агрессия ва босқинчилик, мустамлакачилик, янги мустамлакачилик ва ажнабий ҳукмронлигининг ҳамма кўринишлари тугатилган тақдирдагина тинчлик барқарор бўлиши мумкин, деди министр.

Шри Ланка ташқи ишлар министри А. Ҳамид ядровий қуролланиш пойгаси халқаро тинчлик ва хавфсизликка тобора кўпроқ таҳдид қилаётганлигини айтди. Биз ишонамизки, деди у, инсон фаолиятининг космос сингари соҳаси фақат тинчлик мақсадларида, барча халқларнинг манфаатлари учун фойдаланилади. Шри Ланка космик фазони ҳарбийлаштиришнинг олдини олишга қаратилган ҳамма ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Министр, шунингдек Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш масаласини муҳокама қилиш учун мумкин қадар тезроқ конференция ўтказишга чақирди.

Швеция ташқи ишлар министри Л. Будстремнинг нутқи қуролланиш пойгасини тўхтатиш проблемаларига бағишланди. Биз оммавий қирғин қуроллари ҳеч қачон ишга солинмаслиги учун зарур сиёсий шарт-шароитларни яратишимиз керак. Ядро қуролларини синаб кўришни тамомила тақиқлаш, бу йўлда қўйилган муҳим қадам бўлур эди. Министр шунингдек ядровий аслаҳахоналарни ҳозирги даражада сақлаб қолиш ва уларни қисқартиришга киришишни талаб қилди.

В. ВАСИЛЕЦ,
В. ГАН,
А. СИДОРУК.
(ТАСС).

## СОВЕТ ВИСТАВКАСИ ОЧИЛДИ

ПРАГА. (ТАСС). Чехословакия пойтахтида очилган виставкада совет медицина асбоб-ускуналари, приборлар ва дори-дармонлар қўйилган. Томошабинлар ва мутахассислар СССР медицина техникаси янгиликлари билан танишишлари мумкин. Кўз касалликлари микрохирургиясида кенг қўлланилаётган лазер скальпеллари, кардиохирургия комплекслари ва рентген аппаратлари алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Виставканинг катта бўлими соғлиқни сақлаш соҳасида Совет Иттифоқи билан Чехословакия ўртасидаги ҳамкорликка бағишланган.

# ЯНА РИЁКОРЛИК

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Президент Р. Рейган БМТда нутқ сўзлаб, гўё унинг маъмурияти ўтказиб келаётган кескинликни кучайтириш, қуролланиш пойгасини авж олдириш ва урушга зўр бериб тайёргарлик кўришдан иборат йўли БМТ Уставининг юксак мақсадлари ва принципларига, бутун дунёда тинчлик ишига мос бўлиб тушади, деб исботлашга уринди. Президент ишга солган воситалар ҳам, ҳаммага маълум фактларни қўпол равишда бузиб кўрсатиш, тўғридан-тўғри алдаш ва ғаламислик қилиш ана шундай ярамас мақсадга жуда мос бўлиб тушди.

Рейган АҚШнинг тинчлик ишига «содиқлиги» тўғрисида сафсатабозлик қилиб, Осиёда, Африкада, Лотин Америкасида, Яқин Шарқда ва унинг сўзларига кўра «буюк давлатлар ўртасидаги конфронтация майдони» бўлиб қолган бошқа регионларда «зўравонликнинг ошиб бораётганлиги» хусусида сохта таассуф билдирди. Бунда у бошқа мамлакатлар қаторида Ливан, Чад, Сальвадор ва бошқа баъзи мамлакатларни ҳам тилга олди. Хўш, мазкур мамлакатларда халқларга қурол кучи билан АҚШга мақбул тартибларни тиқиштиришга уриниб, ёнғинни Вашингтон бўлмай ким ловиллатмоқда? деб савол бериш жоиздир. Рейган риёкорлик билан нолиётган «зўравонликнинг ошиши» — бу аввало Америка маъмурияти «ташаббусларининг» натижаси бўлиб, бу маъмурият зўравонликни давлат сиёсати даражасига кўтарди. Брукин институтининг маълумотларига кўра, кейинги олти йил ичидагина Америка маъмурияти 38 марта қуролли хуруж қилиб, қуролли кучларни ишга солиш билан таҳдид этган.

АҚШ билан қўшилмаслик ҳаракати ўртасида жарлик кенгайиб бораётганлиги сабабли асабийлашиш Оқ уй бошлиғининг нутқида ўз ифодасини топди. Вашингтонга номақбул бўлган йўлга амал қилаётган, гўё «ўз мустақиллигидан маҳрум бўлган» қўшилмаган мамлакатларнинг айбланганлигини фақат шу билангина изоҳлаш мумкин. Рейган қўшилмаслик ҳаракатини «ахлоқсизлик» реб рўй-рост айтган Жон Фостер Даллес изидан ошкора бормоқда.

«БМТ мақсадлари ва Уставига содиқмиз» деб берилган баландпарвоз ваъдаларга келганда шуни айтиш керакки, бу ваъдалар Америка расмий вакиллари, шу жумладан президентнинг ўзи ҳам шу халқаро ташкилотга ошкора қилган хуружлари учун ўзини оқлаш йўлидаги беўхшов уринишни эслатди.

Масалан, президент АҚШнинг БМТдаги вакили айтган гапларни қўллаб-қувватлаганлиги тўғрисида нима дейиш мумкин. АҚШ вакили шу ташкилотнинг Вашингтон ҳатти-ҳаракатларидан норози бўлган аъзоларига АҚШдан «жўнаб қолишни» таклиф қилган эди.

Президент Европада ядро қуролларини чеклаш тўғрисидаги музокараларда қатнашувчи Америка делегациясининг бошлиғига берган «янги» топшириғи мазмунини жўрттага мужмал қилиб, чала-чулпа баён этди ва кўп нарсалар ҳақида гапирмади. Унинг сўзларига кўра машъум «нуль варианти», «проблеманинг энг яхши, энг адолатли ва энг амалий тарзда ҳал этилиши» бўлур эмиш. «Нуль варианти» СССРнинг бутун территориясида Совет Иттифоқининг ўртача олисликка учириладиган барча ракеталари йўқ қилинишини таклиф этади, лекин НАТОнинг биронта ҳам шундай ядро қуроли тугатилишини кўзда тутмайди.

Оқ уй аппаратининг изоҳидан маълум бўлишича, НАТО билан Варшава Шартномаси кучларининг умумий балансида Англия ва Франциянинг ядро қуролларини ҳисобга олмаслик хусусида АҚШнинг позициясида амалда ҳеч қандай ўзгариш бўлгани йўқ. Қўшма Штатлар ҳар қандай шарт-шароитларда Ғарбий Европада Совет Иттифоқидаги нишонларни яксон қила оладиган ўзининг «Першинг» ракеталари ва қанотли ракеталарини жойлаштириш «ҳуқуқида» ҳам аввалгидек қаттиқ туриб олмоқда.

Шундай қилиб, АҚШнинг музокараларда «шов-шувли ён беришлари» (Ғарб матбуоти бир неча кундан буён шу ҳақда жар солмоқда) аслида яна ўша пропаганда мақсадидаги найрангдан бошқа нарса эмас экан.

Президент нима учун совет таклифлари Вашингтонга мақбул бўлмаётганлиги тўғрисида бир оғиз ҳам сўз айтмади. Совет таклифларига мувофиқ ҳар икки томон Европада ўртача олисликка учириладиган ҳар қандай янги ядро системаларини жойлаштиришдан воз кечган ҳамда Европа қитъасидаги ўз ракеталари, самолётлари ва улардаги портловчи зарядларни мутлақ баравар даражагача қисқартирган бўлур эди.

Президент гўё Совет Иттифоқи «ўртача олисликка учириладиган ядро кучларини батамом йўқ қилиб ташлашни кўриб чиқишдан бош тортди» деб даъво қилиб, фактларни қўпол равишда бузиб кўрсатди. Шу нарса яхши маълумки, айни совет томони чинакам «нуль варианти»га ҳамон тайёр бўлиб турибди, ўшанда Европа ўртача олисликка учириладиган ядро қуролидан ҳам, шунингдек тактика ядро қуролидан ҳам батамом холи бўлур эди. Вашингтон эса Совет Иттифоқининг бу таклифини ҳатто кўриб чиқишдан ҳам бўйин товламоқда.

Президент стратегик қурол-яроғлар соҳасида ҳам томонлар ўртасида вужудга келган тенгликни биринчи навбатда Совет Иттифоқининг ердаги қитъалараро баллистик ракеталарини тугатиш йўли билан бузиш керак, деган фикрида яна қаттиқ туриб олди. Ердаги қитъалараро баллистик ракеталар СССР стратегик ядро кучларининг асосини ташкил этади.

Шундай қилиб, Рейганнинг «сулҳпарварлик» хусусидаги сафсатабозлиги — аслида бу ядро урушини олиб бориш учун мўлжалланган, АҚШнинг қурол-яроғларини тўхтовсиз кўпайтириш соҳасида Вашингтоннинг асл мақсадларини ниқобловчи бир пардагина холос.

Президент ўз нутқидан яна Совет Иттифоқига туҳмат қилиш учун фойдаланди. Рейган Американинг махсус хизмат маҳкамалари Жанубий Корея самолёти билан планлаштириб амалга оширган иғвогарликнинг оқибати учун жавобгарликни давлат раҳбарига муносиб бўлмаган тарзда Совет Иттифоқи зиммасига юклашга уринди.

Умуман Рейганнинг нутқи жамоатчилик фикрини чалғитиш, АҚШ ташқи сиёсатининг агрессив империалистик моҳиятини ниқоблаш йўлида қилинган навбатдаги бесўнақай уриниш бўлди. Аммо бу уринишлар биронбир кимсани, шу жумладан америкаликларни чалғита олиши амри маҳол. Рейган нутқ сўзлаётган вақтда БМТ биноси олдида дунёни ядро ҳалокати ёқасига судраётган Оқ уйнинг хатарли йўлига қарши норозилик намойиши ўтказилганлиги тасодифий эмас.

## СУРБЕТЛАРЧА ХУРУЖ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Рейган маъмуриятининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қилаётган ашаддий, иғвогарлик хуружларига унинг Капитолий тепалигидаги реакцион гумашталари ҳам қўшилмоқдалар. ЮПИ ахборот агентлиги вакиллар палатаси ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси республикачи У. Брумфилднинг ошкора одобсизлик ва сурбетлик билан ёзилган мақоласини тарқатдики, бу мақола ана шунинг далили бўлди.

У. Брумфилд БМТга Нью-Йоркдан тезроқ «жўнаб қолишни» таклиф этиб, бу ҳол «халқаро ташкилотнинг бу ерда туриши билан боғлиқ қимматга тушадиган ва доимий ноқулайсизликлардан америкаликларни халос этган бўлур эди» деб атади. 1983 йилда АҚШнинг БМТ фондига қўшган ҳиссаси 171 миллион долларни ташкил этди, деб сохта ғазабланиш билан нолиб, БМТ қароргоҳининг Нью-Йоркда жойлашганлиги аллақачондан буён ўткир молиявий кризисни бошидан кечираётган АҚШдаги мана шу энг катта шаҳарнинг энг муҳим молиявий манбаларидан бири эканлигидан иборат ҳаммага маълум факт тўғрисида лом-мим демайди. ЮПИ агентлигининг ҳисоб-китобларига кўра, бу нарса ҳар йили шаҳар хазинасига камида 700 миллион доллар тушиб туришини таъминлайди. Ҳолбуки, ташкилотнинг ишлашини таъминлаш 22 миллион долларга тушади.

Брумфилд БМТ фаолиятига лой чаплаб, бунда бутун дунёга маълум фактларни, яъни тинчликни мустаҳкамлаш ишида БМТнинг ролини бузиб кўрсатиб шуни айтишгача бориб етдики, гўё Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «планетадаги реал кризисларнинг ҳал этилишидан манфаатдор эмас» эмиш. У БМТ «Америкага ва Исроилга қарши гаплар билан» чиқишга «журъат этмоқда» деб ғазаб билан гапирганида, ана шу сохта фикр-мулоҳазалар заминида нималар яширинганлиги батамом равшан бўлиб қолади. Рейган маъмуриятининг халқаро ҳамжамият ташкилотига қарши ҳозир ўтказаётган иғвогарлик кампаниясининг ҳақиқий сабаби ҳам мана шундадир. АҚШ БМТда ўзининг аввалги ҳукмронлигидан маҳрум бўлиб қолганлигига тоқат қилишни истамай унинг фаолиятини қоралашга, дунёдаги бошқа давлатларнинг манфаатларига қарши қаратилган ўзининг агрессив сиёсати танқидчиларининг овозини ўчиришга уринмоқда.

## МРБ АГЕНТЛАРИ ФОШ ҚИЛМОҚДАЛАР

КОБУЛ. (ТАСС). Бу ерда маҳаллий ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказилди. Унда АҚШ Марказий разведка бошқармаси ёллаган ва яқинда АДР давлат хавфсизлиги органлари қамоққа олган Афғонистон ва Покистоннинг бир қанча граждандари ўзларининг жиноий ишларига иқрор бўлиб гапирдилар.

Жосусларни фош қилувчи ҳужжатлар топилганлиги, деди матбуот конференциясини оча туриб Афғонистон Бахтар ахборот агентлигининг вакили, халқаро империализм бизнинг ватанимизга қарши фитналар тўқишни давом эттираётганлигини кўрсатувчи яна бир далилдир. Вашингтондан берилаётган кўрсатмага мувофиқ террорчилик ҳужумлари планлаштирилмоқда ва амалга оширилмоқда, ҳеч бир гуноҳсиз одамларнинг қони тўкилмоқда. Қотилликлар қилинаётганлиги, мактаблар ва масжидлар, жамоат бинолари портлатилиб, уларга ўт қўйилаётганлиги, деб таъкидлади Бахтар агентлигининг вакили, Америка империализми бутун дунёда қилаётган жиноий ишларнинг мантиқий давомидир.

Қамоққа олинган агентлар журналистларнинг саволларига жавоб қайтариб дипломатлар ниқоби остида ҳаракат қилган АҚШ махсус хизмат маҳкамлари ходимларининг қўпорувчилик ишлари тўғрисида сўзлаб бердилар. МРБ агентларининг иқрор бўлиб айтишларича, улар мамлакатдаги вазиятни беқарор қилишга, шундан кейин эса гўё аҳоли АДР ҳукуматининг сиёсатидан норози деб пропаганда мақсадида шовқин-сурон кўтаришга мўлжалланган махсус хуружларни бажариш учун ёлланган эканлар. АҚШнинг Афғонистондаги турли муассасаларида узоқ вақт ишлаб, америкаликлар текширган кишилар агентура тармоғига танлаб олинган. Масалан, МРБ ёллаган Фозил Аҳмад 1960 йилдан буён Америка компанияларида ишлаган ва унинг тан олишича, ўша пайтдаёқ америкаликларнинг разведка маълумотларини тўплаш тўғрисидаги айрим топшириқларини бажариб келган. Қамоққа олинган кишилар матбуот конференциясида кўрсатиб ўтишганидек, улар АҚШнинг Кобулдаги элчихонасида ишлаган МРБ ходимлари — Гриффин, Грэхэм, Тернер, Блэкборн ва бошқаларнинг бевосита кўрсатмасига биноан, Америка элчихонасидаги махсус кўпайтирувчи аппаратда босилган ҳукуматга қарши варақаларни яширинча тарқатганлар, тартибсизликлар чиқариб террорчилик хуружлари ва қўпорувчилик ишларини қилганлар, агентлар МРБ ходимлари дипломатларнинг паспортларини ниқоб қилиб олиб, Афғонистонга портловчи моддалар етказиб бераётганликларини айтдилар. Портловчи моддалар рўзғор приборлари, озиқ-овқат маҳсулотларига ўхшаб ниқобланган. Ажал уруғини сочувчи ана шу «дипломатик» юкнинг ҳаммаси кейинчалик ёлланган қотиллар ва террорчиларнинг қўлига топширилган, улар эса ана шу портловчи моддалардан мутлақо бегуноҳ кишиларга қарши фойдаланганлар.

Бизнинг революциямиз мавжуд қийинчиликларни бартараф этиб, янги-янги ғалабаларга эришмоқда ва АҚШ империализмининг фитналари уларнинг илҳомчиларига кутилган натижаларни бермаслигига шак-шубҳа йўқ, деб таъкидлади Бахтар агентлигининг вакили. Афғонистон халқи АҚШ ҳукуматини айбламоқда ва Афғонистон территориясида қилинаётган жиноятлар учун айни шу ҳукумат тўла жавобгардир, деб ҳисоблайди.

